




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 80 (9.118)

1998 йил

10 июль, жума

Сотувда эркин нархда

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавоблари ҳозир барчанинг диққат-эътиборида бўлиб турибди. Ушбу суҳбатда давлатимиз йўлбошчиси миллий мафкура, халқимизни буюк мақсадлар сари етакловчи ғояни шакллантириш, камол топтириш хусусида ғоят теран фикрларини изҳор этганлар.

Чиндан ҳам халқнинг, жамиятнинг куч-қудрати унинг ҳар бир аъзосининг ақлу заковати билан ўлчангани, миллий мафкурасида бутун ўтмишию келажаги намоён бўлади. Ислон Каримовнинг «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур» деган сўзлари айнан шу жиҳатдан катта ҳикматга эга.

Ўтган йилларимизни бир кўздан кечириб кўрайлик. Юз йиллар давомида бизни деярли ўтмишимиздан, келажагимиздан маҳрум этишга уринган манфур тузум мафкурасининг қули бўлдиқ. Бугунга келиб барча бўғовлар парчаланди, жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон сўзи олтин ҳарфлар билан битиб қўйилди. Лекин поёнига етиб бораётган асримиз бошидан кечирган бир-биридан оғир азоб-уқубатлар ўз изини қолдирмасдан иложи йўқ эди. Мустақиллигимизнинг

буюк ибрат бўлиши шубҳасиздир.

Халқимизнинг асрий аънаналари, табаррук китоблар Президентимиз катта эътибор билан қараётган, куч-ғайратларини аяматган тарбия масаласида бебаҳо ёрдамчи бўлиши шубҳасиз. Йўлбошчимиз буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган сўзларини келтирилган ва таъкидлайдиларки: «...Маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан кўра муҳим ва долзарбдир».

Таълим тизимини янада такомиллаштириш, дунё таърибасидан баҳраманд бўлиш, тил ўрганиш, айниқса жаҳондаги буюк тиллар

Биринчи саҳифадан о'з

МИЛЛИЙ МАФКУРА — ЭНГ БУЮК ҚУДРАТ

биринчи йилидаёқ йўлбошчимиз маънавиятга, миллий мафкурага эътибор қаратдилар. Чунки «миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир». Сир эмас юртимизда жуда ҳам кўп эл-элатлар, миллатлар истиқомат қиладилар. Уларни қайси динда бўлишидан, қайси тилда сўзлашишдан қатъи назар ягона мафкура яқдил қилиб турмасе, тараққиётимиз олға босиши кийин кечади.

Шундай пайтда беихтиёр тарихимизга мурожаат қиламиз. Аждодларимиз яратиб кетган, бизга мерос қилиб қолдирган ўлмас ёдгорликлар — муҳташам бинолардан тортиб, табаррук кўлэмаларгача, Нарвўз байрами сингари азаллий тантаналардан тортиб расм-русумларгача миллий мафкураимизнинг маълум ўқ илдизлари деб ата-сак тўғри бўлади. Неча-неча босқинлар, жангу жадаллар мана шу асрлар давомида шаклланган аъналаримизни йўқ қилишга қаратилган ҳам сир эмас. Лекин халқимиз ўзининг мана шу теран томирларини соғ-саломат сақлаб қолди.

Мустақиллигимизнинг одимлари борган сари мардонавор тус олаётгани, одамларимизнинг истиклол шарофатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётганликлари дўстларимизни қувонтирса, ғанимларимизни ғашлантиради. Улар кўпроқ эртанги кунимиз эгалари — ёшларнинг қалбига, шуурига, он-гига раҳна солишга интиладилар. Охир-оқибатда турли йўللар билан итоатгүй шахсларни ўз мақсадлари учун тарбиялайдилар.

Йўлбошчимиз Ислон Каримов шу сабабли таъкидлаб айтишди: «Табиятда ҳам, жамиятда ҳам вакуум — бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди». Турли-туман ахборотлар тўлиб-тошиб ётган ҳозирги замонда айниқса бирон-бир таъсирга берилиш осон кечилиши табиий. Айниқса, яқин ҳо-риждаги телекўрсатувлар, ишланаётган фильмлар, беҳаёликни тарғиб этувчи, ўривонликни улуғловчи китоблар кўпайиб кетмоқда. Уларни кўрган, ўқиган ёшлар таъсирланиши мумкин эмасми? Бунинг олдини олишнинг бирдан бир йўли — ёш авлоднинг маъна-баркамоллаштириш, унинг қайси эл фарзанди эканлигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда олиб борилаётган ишлар мана шу олий мақсадга хизмат қиладилар.

Биз 1225 йиллиги нишонланадиган Имом ал-Бухорийнинг, 1200 йиллиги нишонланадиган Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўйлари барчага

билан бемалол мулоқот қила олиш ҳозирги кеча-кундуздаги халқ таълими олдида турган долзарб вазифалардир. Бу ҳақда ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган «Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»да ҳам қайд этилган. Яқиндагина матбуотда Президентимиз имзо чеккан «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳужжатлар эълон қилинди. Буларнинг ҳаммасини миллий мафкураимизнинг асослари десак тўғри бўлади. Зеро билимсиз, хунарсиз ҳеч қачон келажақ пойдеворини мустаҳкам қилиб қўйиб бўлмайди.

Биз миллий-маънавий янгила-ниш деганда ўтмишни дарҳол тил-га олишга одатланганмиз. Лекин ўтмишни ўрганиш, уни ҳозирги кунга қиёслаш қанчалар муҳим. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз ўзларининг жавобларида муҳим фикрни олға сурдиладиларки, бу ўтмиш, бугун ва келажақнинг ажралмаслигидир, ягоналигидир. Бу ажралмаслик эса эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Миллий мафкура — энди мар-каздан келадиغان «бажарилиши за-рур бўлган» буюртма эмас. Мил-лий мафкура — бу халқимиз қал-бида қайта уйғониб келаётган ғу-рур, ор-номусни, муҳаббатни, ўз қадрини англаб етишдир. Таъбир жоиз бўлса миллий мафкураимиз бир неча қудратли ўқ илдизга эга бўлган улкан чинордир. Бу фикр-ни жуда кўпчилик таъкидламоқда. Унинг ҳар бир ўқ илдизи — шу чи-норнинг ям-яшил япроқларига ра-нғ берувчи манбадир. Мана шунин-г учун ҳам йўлбошчимиз тарбия-нинг, ёшларни эртанги кун руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида катта эътибор билан сўзлайдилар. Ана шундагина ушбу чинор ҳам-ма бардам, бақувват бўлиб ўса-веради, унга турли-туман қурт-қу-мурсаю ҳашаротлар ёпиша ол-майди.

«Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир».

Демак, ҳар биримиз бу доно ўғитни қалбимизга жо қилиб, мил-лий мафкурани яратишда фидойи бўлишимиз зарур.

Ватани бир одамларнинг дили бир, нияти бир бўлсагина эртанги кунимиз осийишта, фаровон бўла-ди, юртимиз жаҳон ҳамжамияти осмонда ўзининг собит мафкура-си, собит қадамлари билан буюк давлат эканлигини кўрсатиб тура-веради!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ДАВЛАТ МУЛК КЎМИТАСИ ШАҲАР БОШҚАРМАСИГА

ДАВЛАТ МУЛК КЎМИТАСИ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар юзаси-дан семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Бизнесфонд ва Тошкент шаҳар товар иш-лаб чиқарувчилар ва тад-биркорлар палатаси, кор-хоналари банкротлаш ва санациялаш комиссияси, туманларни хусусийлашти-риш бўлиmlари раҳбарла-ри иштирок этди.

Шу давомида 399 та ҳис-садорлик жамиятлари ху-су-сийлаштирилган эди. Бирок уларнинг кўпчилиги кейинги ва-кда иш тизимини ўзгартириш-га тўғри келди. Шунинг учун ҳам бу акционерлик жамиятла-ри билан кўми-та ходимлари алоҳида иш олиб боришди, — деб тўхтади Давлат мулк кў-ми-таси Тошкент шаҳар бошқар-маси бошлигининг ўринбосари А. Раҳматов ўз сўзида.

Бугунги бозор иқтисодиё-ти шароитида қонун асосида иш юритиш, чиқарилган ким-матли қозғолар тақдирини ўз вақтида ҳал этилишига гоҳи барча раҳбарлар вақтида эътибор беришмади. Шунинг учун ҳам бошқарма мутахас-сислари иш тизимига аниқлик киритишди. Зеро, эндиликда ҳар ойда, ҳар чоракда ким-матли қозғоларнинг чиқарили-ши, тарқатилиши ва унинг фалояти тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар йиғиб бориш-моқда. Бу маълумотлар ак-ционерларнинг умумий йиғи-лишида баён этилмоқда.

Кўнун талаблари асосида қандай иш олиб борилаётган-лиги хусусида 30 та ҳисса-дорлик жамиятида текшириш ўтказилганда, уларнинг кўпчи-лигида хатоликлар мавжудли-ги аниқланди.

Ҳозирги кунда 302 та ак-ционерлик жамиятларининг акция пакетлари мавжуд. Бу пакетлардаги акцияларнинг 7351540 минг сўмлик сотил-ган бўлиб, шундан чет эл сар-модорларида 1140020 минг сўм-лиги, 6211520 минг сўми эса эркин сотувадир.

Шунингдек, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида на-фақат акционерлик жамиятла-ри, балки қўшма корхона, фирма, хусусий ва кичик кор-хона тузаётганлар учун қў-ғи-дан қилишмоқда. Уларга ишлаб чиқаришни ривожлан-тиришларига имтиёзли қарз-лар олиб бериб, инфратизи-мини ривожлантиришга қў-макдош бўлаётди. Тадбиркор-лар учун кичик ва ўрта биз-несни ривожлантиришда, ҳу-қуқий ва консалтинг масла-хатлар, аудиторлик хизматла-рининг кўрсатилаётганлиги борасида ва бошқа ишлар ху-су-сида Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тад-биркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев алоҳида тў-хталиб ўтди.

Семинар-кенгашда ишти-рок этганлар мутахассислар ва мутаассиди раҳбарлардан ўзларини қизиқтирган савол-ларига жавоблар олишди. Би-нобарин хусусийлаштириш, давр талаби асосида иш қу-риш давом этаверади.


Гулбаҳор МҮМИНОВА.

ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМА- СИГА ҚАРАШЛИ ШАҲАР ЎСМИРЛАР СОҒЛИГИНИ ТИК- ЛАШ МАРКАЗИ ҚОШИДА МАСЛАҲАТ-ТАШХИС ПО- ЛИКЛИНИКАСИ ОЧИЛДИ.

Аваллари ўсмир ёш-ларни ҳарбий хизматга ча-қириш жараёнида улар соғ-лигини тиббий кўриқдан ўт-казиш, лозим бўлса даво-лаш ишларида ягона тизим йўқлиги сабаб бу борада анча мушкулликлар юзага келарди. Бундан бир ярим йил муқаддам ташкил этилган шаҳар ўсмирлар соғлигини тиклаш маркази бу хусусидаги муаммоларни

роҳ хасталик аломатлари топила, у шу жойдаги мар-казга даволаниш учун ўтқа-зилади. Бундан ташқари уш-бу поликлиника нафақат ўс-мир йигитларни ҳарбий хиз-матга, балки ўсмир қизлар-ни оналикка тайёрлашни ҳам кўзда tutadi.

Янги тиббий муассасани-н тантанали очилиш маро-симиди шаҳар Соғлиқни сақ-лаш бош бошқармаси, ша-



Суратли ахборот

МАСЛАҲАТ-ТАШХИС ШИФОХОНАСИ



анчагина енгиллатди. Уч-тўрт йил аввал армияга қа-чирилувчи ёшларнинг 33 фоизи ҳарбий хизматга яроқли деб топилган бўл-са, айни пайтда бу кўрсат-кич 80 фоизга етгани кў-вонарли. Зеро, ҳозирда мамлакатимиз аҳолисини-н 40 фоизини ёшлар таш-кил этса, улардан 7 фоизи ўсмирлар, 2 ярим фоизи эса армияга қақирилувчи-лардир.

Ана шу масалаларни ино-батта олган ҳолда очилган янги тиббий муассасада 16 мутахассислик бўйича ўс-мирларга малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Агар армияга қақирилувчида би-

ҳар Мудоффаа ишлари бош-қармаси, Юнусобод тумани ҳокимлиги раҳбарлари иш-тирок этиб сўзга чиқдилар.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

Ойгул ТУРПУНОВА.
СУРАТЛАРДА: янги очил-
ган поликлиникада.

Рашид Галиев
олган суратлар.

• Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Абдуғофур Абду-рахмонов Бокуда Озарбайжон Республикаси Пре-зиденти Ҳайдар Алиевга ишонч ёрлигини топшир-ди.

• Чеченистон Президенти А. Масхадов Бош ва-зир вазифасини бажарувчи Ш. Басаевнинг истеъфо-сини қабул қилди.

• Қозоғистонда Россия, Қозоғистон ва Қирғи-зистон ҳарбий бўлинмаларининг биргаликдаги ма-шқлари бўлиб ўтмоқда.

• Бугун Латвиянинг Сигулда шаҳрида Болтиқда-ги учта мамлакат Президентлари учрашадилар. Улар уч томонлама муносабатларнинг муаммолар-ини муҳокама қиладилар.

• Москвада ўтаётган Россия кўмир қазувчилари қасаба уюшмаларининг III фавкуллода съездида делегатлар Президент Б. Ельциннинг истеъфосини талаб этиб, резолюция қабул қилдилар.

• Бугун Польша Бош вазири Е. Бузекиннинг АҚШ-га ташрифи бошланади. Ташриф қоғида Бош ва-зир АҚШ Президенти Б. Клинтон билан учрашади.

• Нигериянинг сиёсий муҳолифат етакчиси Ма-шуд Абдоланинг қасоқонадаги тўсатдан ўлими Аф-риқадаги аҳолиси энг кўп ушбу мамлакатда бир қатор тартибсизликларни келтириб чиқарди. Мам-лакат пойтахти Лагосда минглаб қишлоқар кўчалар-ни тўсиб, расмий биноларга тош отмоқдалар.

• Италия суди сойбқ бош вазир Сильвио Бер-лусконини коррупцияда айбалаб, икки йилу тўққиз ойга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

• Пуэрто-Рикода 200 мингга яқин киши телефон компаниясининг хусусийлаштирилишига қарши уму-мий иш ташлашда иштирок этди.

• Хитойнинг бир қатор туманларини ўз домига олган қучли сув тошқини оқибатларига барҳам бе-ришда 1 миллиондан зиёд ҳарбий хизматчилар қат-нашмоқда.

• «Толбон» ҳаракатининг раҳбарлари янги қо-нун қабул қилдилар. Шунга мувофиқ барча теле-визорлар, видеомагнитофонлар, йўлдош антенна-лари йўқ қилиб ташланиши керак. Уларнинг фик-рича мусиқа ва кино ахлоқий жиҳатдан бузилишга олиб келади.

• Францияда ўтаётган XVI жаҳон чемпионати ўйинлари нихосига етмоқда. Ўтган кун Бразилия терма командаси билан финалда ўйнайдиган яна бир команда маълум бўлди. Бу Хорватия футбол-чилари устидан 2:1 ҳисобида галаба қозонган Фран-ция терма командасидир. Эртага чемпионатнинг учинчи ўрни учун орани очик қилиш мақсадида майдонга Голландия ва Хорватия командалари ту-шишади. Яқинда кунга эса футбол бўйича асри-мизнинг сўнгги чемпиони аниқланади. Майдонга тўрт қарра жаҳон чемпиони — Бразилия терма ко-мандаси билан Франция терма командаси тушади.



Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига

ҚЎШ БАЙРАМ НИШОНЛАНАДИ

Пойтахтимизнинг Афросиёб ҳамда Нукус кўчалари кесишган чоррахада 2 та тўқкиз қаватли турар-жой биноси қад ростламоқда. Улардан биринчисини Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги байрами кўнига 36 хонадон эгалари учун фойдаланишга топшириш режаланган. Бу албатта бунёдкорларнинг байрамга муносиб тўхталари бўлади.

«Ўзғужойжамгарма-бан» буюртмасига кўра қурилатган ушбу 1, 2-уйларда 1-уйсозлик комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари меҳнат қилишмоқда. Қурилишга бош пудратчи ҳисобланган ушбу жамоа қурувчилари бор имкониятларини ишга солишиб, ўз сўзларининг устидан чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Бу 72 хонадонга мўлжалланган уйларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси 4 хонали, кўп болали оилаларга мўлжалланган. Хар бир хонадон 160 квадрат метрни ташкил этади. Икки тарафлама айвони, кир ёйдиган алоҳида хонаси, ошхонасининг кенглиги хонадон эгалари учун қулайликлар туғдиради.

Бу уйларнинг пойдевори 1998 йилнинг бошларида қўйилди, — дейди ишбоши Олимжон Усмонов. — Кейинчалик материаллар ўз вақтида етказиб берилмаганили сабабли бироз тўхтаб қолди. Ўзирда ўз савий-характеристикасига эга қурилиш материалларини келтиришди. Айни кунларда қурилиш-тиклаш ишлари жадал кетмоқда. Мана яқинда яна 10 вагон арматура олдик. Бу ишларимизнинг янада жадаллашишига имконият яратди. Қурувчиларимиз ўтган йили Госпитал даҳасидаги турар жойларнинг бунёд этишда фаол иштирок этиб, яхши тажриба тўплашган. Бугун биз у ерда бунёд этган 36, 37, 38-уйларда кўпгина оилалар мамнун яшашмоқда.

Чиндан ҳам бу ерда

кун сайин 9 қаватли уйнинг хар бир қавати қад ростламоқда. 50 нафардан ортиқ қурувчи эса 3 сменада тиклаш ишларини маромида давом эттиришмоқда. 3 та бригадани ташкил этган бунёдкорлар орасида тажрибалилари талайгина: Қайомжон Шерқузиёв, Шухрат Улугъжаев, Соибжон Тулаганов, Александр Камолитов, Тўхта Маматниёзов сингари пешқадам турли касб эгалари маҳоратларини ишга солишган, шогирдларига ҳам иш ўрнатди.

Албатта, қурилиш техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, кўтарма кранлар ёрдамисиз бирон ишни уйдлаш қийин. Бу ерда ҳам худди шундай. 2 ва 3-механизация бошқармасининг 4 та кўтарма кранлари бунёдкорга мадад бўлмоқда. Кран машинистларидан Нарзулла Усмонов, Хусниддин Фуломов, Нина Федоровалар хар бир дақиқадан унумли фойдаланишиб, ўз вазифаларини сифатли бажаришмоқда.

Ҳадемай, пардозловчилар ҳам ёрдамга келишади. Бу ишни комбинатнинг 2-қурилиш бошқармаси сувоқчи, бўёқчи, дурадгор ва бошқа касб эгалари бажаришади. Барча бунёдкорларнинг асл мақсади янада яхшироқ иш бита — Ойла йилида ўз уйларини орзиқ кутаётган оилаларни хушнуд этиш, хонадон калитларини ёруғ юз билан топширишдир. Ажабмас, 36 хонадон Мустақиллик кунларида хонадон тўйларини ҳам ўтказишса.

Шарифа ИЛЕСОВА.


Мусаввир ва ҳайкалтарош Шахноза Мўминованинг асарларини қўзғатар эканман, қалбимда бир илиқлик ўйғонади. Унинг жажжи асарлари қатида катта-катта маънолар яширин. Уларда азиз Ватанимизнинг бог-роғлари, чўллари, меҳнаткаш инсонлари ўзига хос тарзда тасвирланади. Ўзига хос дейишимнинг боиси бор. Бундай нафис санъат намуналарини мамлакатимизда ҳеч ким унчалик тегран ҳис этиб тасвирлаганлигига дуч келмаганман.

Биз кундалик турмушимизда чинни буюмларни кўп ишлатамиз. Шахноза опа яратган чинни буюмлар эса ҳақиқий мўъжиза. Уларнинг хар бирини кичик бир хикоя, новелла десак, Ватан ҳақидаги лавҳалар десак янглишмаган бўламиз. Оппок, жажжи ҳайкалчалар бир кўргандаёқ Сизни сеҳрлаб қўяди.

Шахноза опани иш устида учратдим.

— Опа, нима учун айнан шу касбни танлагансиз?

— Ҳаммаси мактабда ўқиб юрган кезларимда бошланган.



Халқимизнинг бой мероси ҳисобланган удуллар, маънавий қадриятлар шахслараро муносабатларда, мулоқот маромида, турмуш тарзида шаклланади. Шундай анъаналардан бири ҳарифонадир.

Қадриятларимиз

ҲАРИФОНА

Бунда бир неча киши ўртага баробар маблағ — пул сарфлаб, ўзларини ўзлари меҳмон қиладилар. Ҳарифона (халқ тилида «халфана» ҳам дейилади) маҳалладаги тенгдошлар, мусофир жойларда учрашиб қолган ватандошлар, тенгдош дўстлар, қариндошлар ўр-

ЧИННИНИ ҲАМ КУЙПАТИБ

Уша пайтларда хар бир байрамга атаб синф деворий газетасини тайёрлаш анъанага айланиб қолганди. Мен тайёрлаган деворий газеталар ҳаммага манзур бўларди. Мактабни тугаллагач тўғри хужжатларимни ҳозирги Санъат институтига топширдим. Имтиҳонлардан юқори балл тўпладим. Сўнг икки йил рангтасвир бўлимида, машҳур мусаввир Раҳим Аҳмедов қўлида таҳсил олдим. У киши дастлабки ишларимни кўрганларидаёқ «Сендан яхши рассом чиқади», дегандилар. Лекин бизнинг бўлимида фақат йигитлар ўқишар, бир ўзим уларнинг ичида қисилиб юрардим. Қулоқчилик бўлимида эса қизлар кўп эди. Хар ҳолда бир-биримизни яхши тушунардиқми, доим уларнинг олдида борардим, қилаётган ишларига қизқиш билан қарардим. Оддийгина лойдан турли-туман буюмларни шундай гўзал ишлаш мумкин эдики, бу нарсани мени батамом сеҳрлаб қўйди.

— Кўп йиллар мобайнида оддий қизил лойда ишлаган

экансиз. Нима учун чиннида ишлаб бошлагингиз?

— Нега чиннини танладим? Чинни жуда ҳам «инжиқ», лекин камчиликлар жуда яққол кўзга ташланадиган тиниқ нарсаси. Чинни ўзоқ вақт кунт билан ишлашни талаб қилади. Масалан, қаранг, ясалётган нарсанинг хар бир унсури қўлда алоҳида-алоҳида ясалади, сўнг жамланади.

— Агар лойни печда пиширмасангиз, у ҳеч кераксиз нарсасидаги травереради, жило-

ланмайди.

— Сиз менинг энг оғрик нуқтамага тегдингиз-да! Менинг уйим билан чинни завод оралигидаги масофа жуда ҳам ўзоқ эмас. Тайёрланган нарсаларни бир идишга солиб заводга бора-боргунча жоним ҳалак бўлади. «Бирон жойига шикаст етмасайди» дея минг бир ҳаёл билан юрагим сим-сим оғриб кетди. Қани эди, кичик ҳажмдаги печга эга бўлсам, бу менинг ягона орузим. Дўстларим, таниш-билишларим ваъда қилишпти, аммо бу орузлигича қолаётти.

— Сиз яратган чинни буюмларингиз билан нима демокчи бўласиз? Умуман, нимага интиласиз?

— Мен асарларим билан Шарқни қўлайман. Мана, қаранг, ҳамма ясаган нарсаларимда элимнинг, меҳнаткаш одамларимизнинг қайсидир бир фазилатларини ёритишга ҳаракат қилганман. Бу ишда чойхонада, бир пиёла чой устида ўтирган отахонлар, чархпалак, мажнунот тасвирланган. Ҳамма ҳамма асарларимда юртимнинг қайсидир бир нуқтасини, юрагимга яқин бўлган парчасини тасвирлайман. Бундан ташқари мен интиладиган энг муҳим нарсаси, бу афтидан, композициянинг қизқарган бўлиши, ўзига хос маъно беришдир.

— Эшитишимча, Сиз авваллари маҳобатли паннолар



ҳам ишлаган экансиз. Бундай нарсалар шахарлар, бинолар кўркига-кўрк қўшади.

— Ҳақиқатан ҳам, бир пайтлар фақат катта нарсалар яратиш ишқи билан яшаганман. Она шахрим Тошкентда, қадимий ва навқирон Бухорода, Москва, Сочи ва Ялтадаги бу паннолар менин кўп машаққатли меҳнатларимнинг мевасидир.

— Шахноза опа, кўп хорижий юртларда бўлгансиз. Айтингчи, у ерларда ҳам ўзингизникига ўхшаш нарсаларни учратдингизми?

— Тўғриси айтсам, жуда кўп юртларда бўлдим, лекин ўзимизнинг юртимизга ўхшаш жаннатмакон ҳеч ерни учратмадим. Ҳамма ерда асарларимга жуда катта қизиқиш билан қарашади, ҳайратда қолишади. Бундай но-зик, жажжи буюмларни қандай ясайсиз, деб қайта-қайта сўрашади, ҳатто баъзан ишонқиринмайди ҳам. Бирон бир юртда бундай жажжи санъат асарларига дуч келмадим.

— Агар ясаётган буюмингиз кўнгилдагидек чиқмаса, ишни нимадан бошлайсиз?

— Ўзи умуман ишни хар доим қозғога чиқишдан бошлайман, кейин лойда. Лекин кўп ҳолларда қозғога тасвирланган нарсалар лойда бошқача чиқади. Агар мана шу қўрилишлар ёқмаса, яна қайта-қайта қозғога чизавера-

ман.

— Оилани аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қизлар, аёллар оиланинг бир қаноти. Улар учун энг зарур фазилат нима?

— Сабр-қаноат! Турмушда ҳамма нарсанинг бўлиши табиий. Афсуски, ҳозир қизларимиздан сабр кетди. Энг-муҳим нарсаси аёл ўзининг аёллигини қаерда бўлишидан қатъи назар унутмасин. Ўзига қараб юрсин. Қийин шароитларга тушиб қолганида ҳам инсонлигини йўқотмасин. Мен ўзим хар қандай қийин шароитда ҳам икки фарзандимни ҳалоллик, поклик билан, меҳнат билан оёққа қўйдим. Меҳнат билан ҳамма нарсаси эришди.

— Эраклар қандай бўлишини истайсиз?

— Меҳрибонроқ, эътиборлироқ! Вақт бевақф, яхши кўнларда бир донна гул кўтариб келсин — аёлининг боши осмонга етади! Ваҳоланки, аёли минг-бир ҳаяжонлар билан тиктириб қийган кўйлагига бундоқ кўз очиб қарамайдиган, «муборак бўлсин, ярашибди, буюрсин!» деб қўйишни ўзига эл билмайдиган эракларимиз оми?

Шахноза Мўминова билан

хайрлашар эканман, назаримда у яратган чинни буюмлар ҳам она-юртимиз ҳақида ўз тилларида кўшиқ қўйлаётгандек туюлди.

Маълумат НАБИЕВА.

СУРАТЛАРДА: Шахноза Мўминова ижодидан намуналар.

Оиладаги одоб-ахлоқ, қадимий ўрф-одатлар, маросимлар, ота-онани ҳурмат қилиш, бетоб одамларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш каби қадриятлар ҳам оиладан бошланади. Бу эса кишиларнинг ўзаро муносабатларида, яшаш тарзида, уларнинг ахлоқ одобига кўзга ташланади. Хуллас, оилавий ўрф-одатлар маънавий, қимматли инсоннинг вояга етишида дастур бўлиб хизмат қилади.

Танловлар

БАРКАМОЛ ОИЛА — ЮРТ КҮРКИ

Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Баркамол оила — юрт кўрки» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Кўрик-танловда асосан университет талабалари, лицей ўқувчилари қатнашдилар, талабалар ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди. «Оила деганда нима тушуниш

керак?», «Оила қандай бўлиши керак?» деган саволларга ўзлари жавоб излашди. Сир эмас талабалар ва лицей ўқувчилари яқинда оила қуришади. Ҳаётда қийинчиликлар, муаммолар, келишмовчиликлар бўлиб туради. Мана шулардан қандай ўтиб олиш керак, нималардан воз кечиш кераклиги ҳақида кўрик-танловда турли хил саҳна кўринишлари, муслиқ композициялар орқали жуда чиройли қилиб очиб берилди.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Маҳфуза ТОИРОВА.

Миш-мишлар ва ҳақиқат

КАСАЛХОНА ВАҚТИНЧА ЁПИЛДИ

Бугунги кунда ҳамшаҳарларимиз орасида «1-йокумли касалликлар клиник шифохонаси ёпилаётган», деган миш-мишлар юрибди. Масаллага оидийлик қилиш учун ушбу тиббиёт муассасаси бош шифокори Бахтиёр Кодиров билан суҳбатлашдик.

— Касалхонамиз юкумли касалликлар бўйича шахримизда ихтисослашган марказий тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Аммо эски бинолари 30-йилларда қурилган бўлиб, шу кунларда яроқсиз аҳолига келиб қолган. Янги бинолар эса бундан 10 йил аввал қурилган бўлиб, айни пайтда қайта таъмирланишга муҳтож. Шунинг учун беморларга тегиниш шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги касалхонани таъмирлаш учун 78 миллион сўм маблағ ажратди. Ушбу тиббиёт муассасаси шу йилнинг октябрь ойида тўлиқ ишга тушиши керак.

Авваллари шифохонадаги кафедралар бир бионинг уч қаватида жойлашган эди. Бу ҳол кафедра ходимлари билан беморлар орасидаги муносабатни узоқлаштирарди. Эндикда кафедра ўзига тааллуқли бўлим билан бир жойда жойлаштирилиб, улар ўртасида узвий алоқа йўлга қўйилиши мўлжалланмоқда. Бунинг учун хар бир бўлимда кафедра учун алоҳида жой ажратилиши кўзда тутилган. Касалхона раҳбарияти ҳисоблайдики, бўлимларда кафедраларнинг борлиги касалхонада илмий ютуқларни ҳаётга татбиқ қилишга ёрдам беради.

Маърузалар ўтказиш учун заллар сақланиб қолинди. Бундан унумли фойдаланган ҳолда малака оширишга келган мутахассислар касалликлар билан танишиб, беморлар билан бевосита ишлашга имкон яратишни кўзда тутди. Иссиқ сув ва совуқ сув тизимлари тўлиқ таъмирланди. Ҳозирги кунда касалхонадаги 6 та бўлимда 185 беморга мўлжалланган ўрин сақланиб қолган. Айни дамда бу ерда менингит, пай пайнинг ўзида турли юкумли касалликлар билан оғирган беморлар, ҳамда юкумли касалликларга чалинган ҳомиладор аёллар қабул қилинмоқда.

Ҳозир шифохонада таъмирлаш ишлари олиб борилаётган сабабли Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан хасталикларнинг турига қараб бошқа шифо масканларида қўйишга жойлар ажратилган. Касалхона ходимлари бошқа тиббиёт муассасаларида маслаҳат хизматини кўрсатишмоқда.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ ёзиб олди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Сув танада овқат моддаларини юмшатиши учун жуда зарур бўлган ичимлик ҳисобланади. Усиз тирик ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки сув киши танасидаги хар бир ҳужайра, хар бир тўқима таркибининг ажралмас қисмидир. Мутахассисларнинг таҳминича ўрта ҳисобда хар бир киши бир кеча-кундузда 2,5 литрча сув истеъмол қилади. Бизнинг шароитда эса бу миқдор 10-12 литрни ташкил этади. Демак сув инсон организми учун ҳаётий зарурат экан, шу ўринда ўз-ўзидан кишида кўш, ёз чилласида шахар аҳолиси яхши ичимликлар билан етарли таъминланганини? Умуман салқин ичимликлар тайёрлаш корхоналари мавсумга қандай тайёргарлик билан келишди? Дўконларда, аҳоли гавжум кўча ва бекатларда сув ва яхна ичимликлар савдоси қай даражада ташкил қилинган, деган саволлар туғилди. Шу саволларга жавоб топиш мақсадида шахримизнинг яхши ичимликлар ишлаб чиқарувчи асосий корхоналари ва улар билан савдо қилувчи идораларда бўлиб, мутахассислар билан суҳбатлашдик.

Миразиз КАРИМОВ,

«Шифобахш булок» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси:

— Бизнинг Тошкент маъданли сувлари корхонаси ҳозирда юқоридаги ном билан юритилади. Ўтган йиллар сабогидан тўғри хулоса чиқариб, ёз мавсумига пухта тайёргарлик кўрдик. Ҳозирда ҳам захирамизда 600 минг-шиша тайёр сув бор. Икки сменада ишловчи ишчиларимизга қулай шароитлар яратилган.

Бизда икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Булар — «Тошкент маъданли суви» ва «Зангиота» шифобахш сувлари. 230 дан ортиқ ишчи киши билан бир суткада 200 минг-шиша сув чиқарилмади. Корхонамизнинг Тезакор бозоридаги шохбачаси ҳам узлуқсиз ишлаб турибди. У жой бу йил қайта таъмирдан тўла чиқарилди.

Йоль ойида ҳарорат янада кўтарилишини ҳисобга олиб кўнига 270 минг-шиша сув тайёрлашни режалаштирганми. Муаммоларимиз йўқ ҳисоб. Шартомчилар белгиланган вақтда келиб ўз буюртмаларини олиб кетишпти. Таъминотимизда ҳам узиллиш бўлмапти. Янгийўлдаги пластмасса заводи бизни етарли қолқоқ маҳсулоти билан таъминлаб турибди. Шисаларни эса буюртмачиларимизнинг ўзлари олиб келиб беришади. Ўрнига ўрин

шунча шиша сув берамиз.

Кўпинча корхонамиз номига дўконларда «Тошкент суви» қимматлиги ҳақида шикоят қилиб туришади. Бу гапда жон бор, албатта. Уларга тушунтириш мақсадида шуни айтишим керакки, бизда хар бир шиша сувнинг баҳоси 4 сўм 45 тийини ташкил этади. Агар маҳсулотни ўз машиналаримизда дўконларга тарқатсак, йўл кираси билан бир шиша сувнинг баҳоси 5 сўм 20 тийинга боради. Лекин кўпчилик дўконлар ўз машиналарида келиб буюртмани олиб кетишади. Бундан кейин улар хар бир шиша сувнинг устига қанча нарх қўйилишини ўзлари белгилайдилар.

Корхонамиз қошида ташкил этилган 6 та ихтисослаштирилган дўконларимизда «Тошкент маъданли сувлари» фоизсиз сотилади. Шундай дўконларимиздан бири бош корпусимиз ёнидан ўрин олган.

Абдусот МҲМИНОВ,
«Ичимлик» хусусий корхонаси
директори:

— Корхонамиз йил бўйи Юнусобод аҳо-

қўрсатмоқда.

Маълумки, Юнусобод туманининг Амир Темури кўчасида, метро ва кенг микёсли уй-жой қурилиши авж олиши туфайли кўпгина дўконларимизни олиб ташлашга тўғри келди. Ҳозир улар ўрнида 6 та йирик ихтисослаштирилган дўконлар қурилиши белгиланган. Улардан иккитаси — Юнусободнинг 14-даҳаси ва ТошГЭСда қурилмоқда. Бу дўконлар Мустақиллик байрами арафасида ишга тушади.

Корхонамизни яхши ичимликлар билан асосан «Роҳат», «Лаззат», «Шифобахш булок» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Кока-кола» фирмаси таъминлайди. Шу кунларда бир кунлик савдомиз 10 минг сўмга етмоқда. Бундан ташқари аҳоли гавжум бекатларда, кўча аравачали сотув нуқталаримиз ҳам ишлаб турибди. Уларда кўпроқ музқаймоқ савдоси йўлга қўйилган.

Биз «Роҳат» ва «Лаззат» яхши ичимликлари ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, бу корхоналарда ҳам ичимликлар етар-

Хизмат

ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР СЕРОБ



ДОСТОНГА АРЗИЙДИГАН ҚЎШИҚ

(ВОКЕЙ ХИКОЯ)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ўзининг машҳур романлари, повестлари, достонлари билан халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир. Халқимизнинг асл ўғлони сифатида у 40 йилдан зиёд тинимсиз ижодий фаолияти давомида юртимизнинг тарихини қаламга олди, десак асло янглишмаймиз. Адиб ҳаётига оид қуйидаги бадиҳа ҳам фикримиз далилидир.

«Собирнинг тўйи кун ҳаво оп-очик, бирон ерда бир парча қор ҳам кўринмас эди. Ҳатто кишининг қирчиллама палласига қарамай, шамоллар худди илк кўламдагидай илиққина эсар, яланғоч дарахтлар қуёш нуридан нафис балкиб, уйғониш орузи билан товланар ва шовдирар эди...»

Адиб бу сўзларини, ёзган, денгиз узра эсан салқин куз шабадасининг хонага очик деразалари оша, дарпардани уйната-уйната кириб келганини кўрди. Ташқарида ноябрь ҳавоси кезарди. Бу пайтда Кисловодскда қор ёғмайдиган. Ушунда ҳам қор йўқ эди, шекли. Балки ёмғир ёғиб, эриб кетгандир. Ҳар ҳолда қандайдир тантанавор кайфият ҳукмрон эди... Унинг ҳаёлидан тўт йил илгариги воқеа бирма-бир ўтиб.

... Адиб ўша кун қарғадир бормоқчи бўлиб, хонадан чиқди. Аммо йўлакда Порсо Шамсийни кўриб қолиб, гапга тутинди. Улар нималар ҳақидадир сўзлашар эканлар, Порсо ака бир чеккада Музайянинг суҳбат ниҳоясини кутиб турганини сезд.

— Сизни кутиб турганга ўхшайди, — деди у Ойбекка гира-шира йўлакда Музайяна Алавиани кўрсатиб.

Адиб суҳбатни тўхтатиб, Музайянага юзланди:

— Менда ишингиз борми? Келинг, қулоғим сизда, Музайянахон!

Музайяна худди шу сўзларни кутиб тургандек, дарҳол мўддага кўчди.

— Эртага бозор кун экан. Дугонам, — деди у Биби турган томонга имо қилиб, — бизларни меҳмонга чақиряпти. Маллин домла қўй сўймоқчи эканлар.

— Ниманинг шарафига?

— Чамаси, фронтдан келаятган яхши хабарлар шарафига.

— Ха, жангчиларимиз Польша тупроғидан ўтиб, Берлинга қараб жадал суратлар билан кетишяпти. Қўй сўйсиз арзийдиган янгиликлар, — деди адиб.

Агар бошқа зарур ишингиз бўлмаса, биз билан бирга Маллин домланинг уйига борсангиз, бошимиз осмонга етарди. — Музайяна бу сўзларни айтган, Порсо акага қараб: — Сизни ҳам, домла, Бибининг номидан таклиф этамиз. Даврамиз бут бўлади, — деди.

Порсо ака бундай давраларни хуш кўрса ҳам, бозор кунига мўлжаллаган юмуши борлигини айтиб, узр сўради.

Эртаси кун Тил ва адабиёт институтининг Ойбек бошлиқ бир гуруҳ ходимлари Бешёғоч даҳасидаги Профессорлар уйига ташриф буюришди. Раҳматулла Маллин рафиқаси Биби Саттарова билан қўй сўйиб, хизматда бўлдилар. Ойбек биринчи қадаҳни галаба учун, бундан икки йил аввал Москва бўсағаларида кўргани ўзбек жангчиларининг соғ-омон Берлинга кириб боришлари ва она юртларига галаба билан қайтишлари учун кўтарди. Озгина газакдан кейин Ҳоди Зариф суҳбатни олиб кетди. Суҳбат бир жойга бормида, адиб Музайянага мурожаат этиб:

— Музайянахон, биз эркакларни худдо гапга, қадаҳ сўзларини айтишга яратган. Ҳар икки қадаҳнинг ўртасида биттадан қўшиқ бўлиб турса, яхши бўлармиди? Сиз халқ қўшиқларини йиғилишларда ёд айтиб юрасиз. Шулардан бирини хиргойи қўшсангиз, Шояд сиздан кейин Хосиятхон ҳам бирорта ашулани айтиб берса.

Хосият Комилова қўшиқ айтиш навбати ўзига ҳам келиши мумкинлигини сезиб, гапни бурди:

— Музайянахоннинг касблари қўшиқ, ёр-ёр, лаларларни йиғиш. Шу ишлари учун ойлик оладилар. Қўшиқ

тўплашни биладиган айтишни ҳам эплайди, албатта.

Ҳозир бўлганлар Музайянани қистай бошладилар. «Ойбек ақанинг гапларини ерда қолдирманг», «Қани, кандидат-лингвист тайёр бўлиб қолган ё қолмаганини кўрайлик», деган хитоблар бўлди. Меҳмонларнинг аксари Музайянанинг таклифи билан келганлиги учун улар райига қараш лозим эди. Музайяна овози йўқлигини айтиб, замзама қилишга рози бўлди. Шовқин-сурон кўтарилиб турган хона бир қадиқага сукунат огушига чўкди. Ва ана шу сукунат денгиздан халқ қўшиғининг марварид доналари отилиб чиқа бошлади. Музайяна оҳиста ва майин овози билан замзама қилишга киришди:

Қайси чамандан эсиб, келди сабо, ёр-ёр, Ким дамидан тушди ўт, жоним аро, ёр-ёр.

— Яшанг, Музайянахон, туппа-тузук овозингиз бор экан, бирга ишласак ҳам шу пайтгача билмас эканмиз, — деди Ҳоди Зариф.

Музайяна ўзи учун кутилмаган мактовдан ҳижолатга тушиб, «ёр-ёр»нинг кейинги сўзларини унутиб қўйди. Сўнг Ойбек ақанинг кистови билан янги «ёр-ёр»ни бошлади:

Анджонда ўт ёқсам, ўшда тутун, ўшда тутун, Шу дунёда бормикан бағри бутун, ёр-ёр, бағри бутун.

Шу дунёда бор бўлса бағри бутун, ёр-ёр, бағри бутун, Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин, ёр-ёр, гулдан ўтин...

Музайяна хиргойи қилар экан, адиб ҳаёли олис болалик йиллари томон учди. Ўзи гувоҳи бўлган тўйларни, аёлларнинг «ёр-ёр» айтиб, келин олиб келишларини эслади. Унинг назарида, «ёр-ёр» худди она алласидек ўзбек ҳаётининг, тўй маросимларининг домийи гузал ҳамроҳи бўлиб, сўнгги йилларда уларнинг секин-аста унутилиб бораётгани халқ руҳининг сўнаётганидан дарак бераётгандек эди.

Музайяна хиргойисини тугатган, олималиги тутиб кетиб, «ёр-ёр»ни шарҳлашга киришди:

— Бу қўшиқдаги тутуннинг чиқиши ҳар жойда ҳар хил, — деди у. — Гоҳ қошқонанинг ичидан, гоҳ кўк маңитининг ичидан, гоҳ чимилдиқнинг ичидан чиқади...

У Ойбек акага қараб қўйди. Ҳаёл огушидаги адиб Музайянанинг бу сўзларини эшитмади. Музайяна ўзини ваъзхонликка ноўрин ўтган ҳисоблаб, ҳижолат тортиди. Буни сезган Ҳоди Зариф олимани бошқа «ёр-ёр»ни айтишга чорлади:

— Александр Константинович яхши кўрадиган қўшиқни айтинг, Музайянахон.

Шу пайт ўзбек тилини сувдек билган профессор Боровковнинг номини эшитиб, хушёр тортган адиб, Ҳоди ақанинг таклифини қувватлади. Музайяна «Сайри булбул» куйида айтадиган қўшиқни секингина қўйлаб бошлади:

Юқоридан мен келаман, биласани, ёр-ёр, Даструлмолч кирларини ювасани, ёр-ёр? Даструлмолч кирларини ёмғир ювсин, ёр-ёр, Сенга ошиқ бўлганимни ўзи билсин, ёр-ёр.

Қошларининг орасига қўйгин мени, ёр-ёр,

Ошиқликнинг бозоридан сотгин мени, ёр-ёр.

Ошиқликнинг бозоридан олмасалар, ёр-ёр, Кипригиндан ўқлар ясаб, отгин мени, ёр-ёр.

Адиб бу қўшиқдан айниқса мутасир бўлди.

— Бир достонга арзийдиган қўшиқ! — деди у ҳайрат билан.

Ҳоди ака ўзбек халқининг бундай ажойиб қўшиқлар, эртақлар, достонларга бой халқ эканлигини гурур билан айтиб, замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларида улардаги ширанинг йўқлигидан зорланди.

— Уларни бундай қўшиқларни ёзолмаганларидан кейин, жилла қурса, халқ иходи хазинасидида жавоҳирлардан ҳам фойдаланишни билмайдилар, — деди у.

Шу пайт соҳиби хонадон ва унинг умр йўлдоши дастурхонга янги сўйилган қўйдан тайёрланган қовурдоқни тортидилар. Таомил бўйича қовурдоқ олтидан анги қадаҳ сўзини айтиш керак эди. Уй соҳиби Ойбекдек улуғ инсоннинг ташрифидан боши осмонга етганини айтиб, унинг соғлигига қадаҳ сўймоқчи бўлганида, адиб ўрнидан туриб, унинг сўзини кесди:

— Азизлар! Ҳозир биз эшитганимиз қўшиқни унча-мунча шоир ёзолмайдиган. Буни халқдек улуғ талант эгасига яратиши мумкин. Шундай улмас дурдоналарни яратган халқимиз учун олайлик!.. Худо хоҳласа, ақин қўнларда уруш ҳам тугайди. Беш йил азоб-қувват ичида яшаган халқимиз яна «ёр-ёр»ларни айтиб, тўйлар қилади. Биз ҳозир ана шундай тўйларнинг репетициясини қилдик. Галаба байрами арафасидаги репетиция, — таъкидлади у дўстлар қаҳқасидан кейин. — Урушга кетган фарзандларимиз илоҳи соғ-саломат қайтсинлар! Уларнинг тўйларида шундай «ёр-ёр»ларни айттайлик!..

... Адиб шабада учирган варақларни йиғиб, ана ёзишга киришди.

Ақоига олиб, Собир билан Анорхоннинг тўйи тасвири чўзилгандан чўзилди. Мана, ниҳоят, у меҳмонларни жой-жойларига ўқатиб, «ёр-ёр» саҳнасига яқинлашиб қолди.

«Ўқтам ширақайф бўлиб, кетма-кет қадаҳ кўтарди. Саксон отадан бошлаб, то раиснинг тизасида шўхлик қилиб ўтирган қизча — олтин сочи Юлдузнинг бахти ва соғлигига қадар ичишди...»

Унинг ҳаёлидан яна 45-йил кишини қадаҳлар ўтди. Адиб тўй тасвирини чиқариб давом этди:

«Хушчақмақ маҳлис узоқ давом этди. Ниҳоят, паловдан кейин меҳмонлар қовлига тушди. Машъалалар билан қундуздай ёритилган кенг саҳнада қўйқирлиқ шўх «чилдирма базм» бошланди. Дастлаб даврага Ҳакима тушди. Ҳил ўтмай, ўнаиб қиз-жувонлар, ҳатто уятчан Анзиратгача чирмандаларнинг қасирғали садоларига берилдилар, атласларнинг рангли оловларини чамандай яшатиб, рақс эта кетдилар...»

Рақсдан сўнг, ниҳоят, юзларча қолхози аёллар «ёр-ёр» айтишди — ўзбекларда қадимдан қиз тўйларининг ҳусни, беазаги бўлган қўшиқ...

Адиб романини тугатиб, Тошкентга қайтган, қўлзамани қўчиришни хотини Зарифа опага буюрди. «Ёр-ёр» матини эса Музайяна Алавиадан олишни тайинлаб, қаламқаш биродарлари билан бирга Покистонга учди.

Наим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Қувайтнинг тарих музейи бир залидаги расмларда Қизил денгиздан марварид овланган жараёни тасвирланган. Шунингдек, бу ерда ов учун зарур бўлаган асбоб-ускуналар қўйилган. Расмларда тасвирланишича, қора никобли гаввос сув тағида чиганокларни териб, бўйнидаги саватга солмоқда. Унинг ишини кемадаги шериги қўзатиб турибди. Сават тўлиши билан гаввос чилвир ёрдамида уни юқорига тортади.

Пилла курти сўлагини иппакка айлантиргандек, молоска ҳам сўлагидан дур ҳосил қилади. Мавлоно Машраб ҳожи сафарда бўлганда Қизил денгиз дурларини кўради. Хайрат узра бир мисра байт билан бунга ифода қилган: «Бир зарра эдим, чўмдим денгизга, кирдим садафга, дурдона бўлдим». Молоска чиганогига бирон жинс ёки маҳлук тегиши мумкин. Бунда зарбдан чиганок тешилади. Шу заҳотиёқ у тешикни шилимшиқ модда билан суваб беркитади. Ана шу жойнинг ичкарида дур вуқудга келади.

Форс кўрфазидан дур овловчилар бор. Аквалангчилар бун-

«КИРДИМ САДАФГА, ДУРДОНА БҮЛДИМ»

да анжомлардан фойдаланмай ишлайдилар: 15-20 метр тубанликда ақула, денгиз илони, электрли балик, захарли мударна ва медузлар тажовуз қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дур катталиги, товланиши, кўркамлиги, ранги, шаклига қараб беш турга ажратилади. Жавоҳир, деб аталувчи тури силлиқ, йирик, оч пушти, дум-думалоқ товланувчи бўлади. У жуда қиммат туради. «Тилло гул» деган ном ҳам бор. Бошқалари новоти дур, жуқожи (оқ ялтироқ), самовий (ҳаворанг), «Санакаба» (қўшироқ), «калбия» (қорамтир-яшил) деб юритилади. Дурнинг ранги ўзгармаслигига ишонч ҳосил қилиш учун уни товуқча берилади. Агар у товуқ ичидан ўзгармай чиқса дур асл ҳисобланади. У қулон, узук, сирга, баргакка ишлатилади. Музейда намойиш қилинган жавоҳирларнинг энг йириги бодомча баробар.

Дурнинг 20 хил турга (оқ, қулранг, пушти, яшил, сарик, даворанг, қора) катта-кичиклиги, шакли — думалоқ, чўзинчоқ, ноқисмон, тиниклиги — тозасига, алтироклиги, силлиқлигига қараб турлича нарх белгиланади. Умуман олганда дурнинг сифати юздан ортиқ аломатлар билан аниқланади. Қора турдаги йирик дурлар энг юқори нархга эга сўнгги йилларда табиий дурнинг сифати денгиз сувининг моддий таркиби билан боғлиқ экани маълум бўлди. Масалан, сув таркибида марганец микдори юқори бўлса дур жавоҳирга айланади. Японияда дур ўстириш фермалари пайдо бўлди. Сувга турли металллар тузларидан араштириб, дурнинг кўк, ҳатто гунафша рангда товланувчи дурларни ҳам олишга эришилди.

Қўзйой ҚОРАБОВ,
геология-минерология фанлари номзоиди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

Собир Раҳимов тумани меҳнат биржаси Сизларни қуйидаги касблар бўйича ишга таклиф қилади:

чилангар — 7000 сўм
электр газ
пайвандчиси — 7500—12000 сўм
фрезерчи — 7000 сўм
токалар — 8000—12000 сўм
силлиқловчи — 5000 сўм
хаво тозаловчи — 5000 сўм
тош майдаловчи — 8000 сўм
ғишт терувчи — 8000—10000 сўм
эл. монтёр — 8000 сўм
фильтр прессловчи — 8000 сўм
чилангар — 8000 сўм
кассир — 9000 сўм
шифокор — 7000 сўм
омборчи — 7800 сўм
муҳандис — 8000 сўм
тиқловчи — 10000 сўм
сувоқчи — 15000 сўм
бўёқчи — 15000 сўм
дурдогор — 10000 сўм
Ундан ташқари ихтисоси бўлмаган фуқароларни бепул ўқиш учун курсларга юборади. Барча ўқиш мuddатлари 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Ўқиш даврида стипендия тўланади.

Мурожаат учун манзил:
Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй.
Тел: 48-53-78, 48-38-40.

ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида жойлашган 109, 110 ва 116-сонли АЁҚШларда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилган юқори октанли ва олий сифатли Аи-93 русумли автобензин 1 литри 38 сўмдан сотилмоқда.

АЁҚШлар манзили:
109-АЁҚШ — М. Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси;
(Эски «Шастри» автобекати).
110-АЁҚШ — А. Икромов тумани, Улуғбек кўчаси;
116-АЁҚШ — С. Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси.



ОДАМЛАРНИ СОҒПОМПАШТИРИШГА ҚАРАТИПГАН

● Собир Раҳимов туманида яшовчи спорт шинавандаларининг футбол бўйича туман биринчилиги қизгин давом этмоқда. У туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла», «Қамолот» жамғармалари ҳамкорлигида ўтказилляпти.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган мазкур футбол чемпионатида тумандаги 72 та маҳалла ва туман халқ таълими бўлими тасарруфидagi мактаб, боғча, турар жойлардаги ўсмирлар клублари, қўшимча таълим марказлари фаол қатнашиб, олти минтақавий гуруҳга бўлинган ҳолда ўзaro куч синашмоқда.

● Кун кеча тумандаги қўшимча таълим марказида ўтказилган боғчаларaro ярим финал беллашувларда саккизта мактабгача тарбия муассасаси қатнашди. 68, 130, 182, 423-болалар боғчалари футбол жамоалари ўз гуруҳида голиб чиқиб, чемпионатнинг навбатдаги босқичига йўланма олди.

● Мана уч йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тўғрисида»ги қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг фармойишига биноан туманда бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозир ўтказилаётган футбол чемпионати ана шулардан биридир. Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад маҳалла аҳолиси ўртасида оммавий соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни орттиришдан иборат. Ойла йилида ўтаётган бу футбол чемпионатида туман халқ таълими бўлими махсус кубогини таъсис этган.

Музайянахон ОДИЛОВА.

Бош муҳаррир УРИНБОСАР СОЛИҚ ЁҚУБОВ

ХУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

Бектемир тумани меҳнат биржаси Сизларни қуйидаги касблар бўйича ишга таклиф қилади:

1. Бош муҳосиб — 5000 сўм.
2. Юрист-маслаҳатчи 0,5 ст.
3. Электр пайвандчи — 15000 сўм.
4. Сартарош — ишбай.
5. Бош муҳандис — 6000 сўм.
6. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис — 5000 сўм.
7. Етакчи-иқтисодчи — 4000 сўм.
8. Мадааният уйи раҳбари — 3500 сўм.
9. Иш юритувчи — 5000 сўм.
10. Уста — 4000 сўм.
11. Дори тайёрловчи — 3500 сўм.
12. Моделчи — 4000 сўм.
13. Омбор мудир — 3000 сўм.
14. Экструдер машинисти — 7000 сўм.
15. Инглиз тили ва компьютер асосида котиба-референт — 15000 сўм.
16. Ойна пардозловчи — 7000 сўм.
17. Бульдозер ҳайдовчиси — 10000 сўм.
Ундан ташқари ихтисоси бўлмаган фуқароларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича бепул ўқиш учун курсларга юборади:

1. ЭХМ операторлари
2. Ҳисобчилар
3. Бичувчи-тикувчилар
4. Котиба-машинисткалар

Барча ўқиш мuddатлари 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Ўқиш даврида стипендия тўланади.

Бизнинг манзилимиз:
Бектемир тумани, Х. Бойқор кўчаси, 117-уй.
Автобуслар: 7, 54, 99, 110, «Уй-рўзгор» буномлари» магазини бекати. Тел: 195-11-88.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОВ АБОНЕНТАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 18 июлигача Чилонзорнинг 24-мавзесидagi 8, 9, 10, 36, 37, 38, 39, 40, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53-уйларда истиқомат қилувчи 72-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайдиган.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти

Шайхонтоҳур туманидаги масъулияти чекланган «ФАХРИЯ — ХОРМАНГ» жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● Элтиб бериш йўли билан қонга солingan цементлар сотилади. Нархи қиммат эмас — 1 тоннаси 5400 сўм. Тел: 78-07-67.

«Ўзбеккоммуналлояи» давлат лойиҳалаш институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг биринчи ўринбосари Обиджон Салимович Хайдаровга волидан муҳтарамаси

ГҒУСЛИНИ АНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Тошкент «Киноиндустрия» бирлашмаси ва «Ватан-Бошбуриш» акциядорлик жамиятининг маъмурияти «Ватан» кинотеатрининг катта муҳандиси

Эркин ТОҲИРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Буш вақтингизда

МУАММОНОМА



Авалл куйида таърифланиб, рақамларда яширинган сўзларни топиб, оққичини ҳал этинг.

1. Патларни кўркам жануб қуши — 4, 7, 6, 16, 19.
2. Марказий Осиёдаги «Дунё томи» деб ном олган тоғ — 24, 7, 15, 1, 9.
3. Пояси қаттиқ, бўғин-бўғин, жуда тез ўсувчи қамчишсимон жануб ўсимлиги — 22, 2, 9, 7, 6.
4. Манзарали ўсимлик — 14, 16, 8.
5. Мамлакатимизда етиштириладиган гужуми йирик, ўртапишар узум нави — 25, 21, 13, 18, 15, 2, 9.
6. Асосан баҳор фаслида хароратининг совуши туфайли ҳосил бўладиган мусаффо томчи — 11, 2, 10, 3, 2, 15.
7. Сирдарё вилоятидаги чўл — 17, 2, 20, 23, 2, 9, 13, 12, 8.
8. Ер остидан чиқадиған сув манбаи — 10, 16, 8, 7, 5.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонимани ҳал этинг. Ундан табиат қуйидаги деб танилган ёзувчи Миҳаил Пришвиннинг ибратли сўзлари аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

